



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI
BUYRÍGÍ**

31«iyul»2023 jil.

619-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил 3 июлдаги 01/869-A/F-сонли буйруғи ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 июндаги 114-сонли (ВМ-479, 12.06.2023 й.) баёни ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 01/869-A/F-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 3 июлдаги 01/869-A/F-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати (З.Уразимбетова) Хўжалик ишлари бўйича иш юритувчи (Ф.Хожанов)ларга вазирлик тизимидаги ташкилотлар объектларида қуёш панелларини ўрнатиш ишларининг молиялаштирилиши, харид қилиниши, ўрнатилиши, ягона электр тармоғига уланиши ва шу билан боғлиқ бошқа барча масалаларни комплекс ўрганиш вазифаси юклатилсин.

3. Нукус Олимпия ва паралимпия турларига тайёрлаш маркази ва спорт-таълим муассасаларига жорий йил 15 августига қадар “яшил энергия” компаниясини жалб этган ҳолда қуёш панелларини тўлиқ ўрнатилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Инвестиция дастурлари ва инфратузилмалари бўйича бош мутахассиси (П.Серимбетов)га қуёш панелларини ўрнатиш бўйича режа кўрсаткичлари таъминланмаган тақдирда, Нукус Олимпия ва паралимпия турларига тайёрлаш маркази ва спорт-таълим муассаса директорларига нисбатан тегишли чора кўриш тўғрисида вазирга таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Вазирлик муқобил энергияни жорий этиш ишларига Инвестиция дастурлари ва инфратузилмалари бўйича бош мутахассис (П.Серимбетов) ва Хўжалик бўйича иш юритувчи (Ф.Хожанов)лар масъул этиб белгилансин.

6. Девонхона (Б.Толибаев)га:

мазкур буйруқ билан вазирликнинг тегишли бўлимларини таништириш ҳамда ушбу буйруқ нусхасини Нукус олимпия ва паралимпия турларига тайёрлаш маркази ва спорт-таълим муассасаларига юбориш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров